



БУХОРО АҲЛИ БУ ЗАМИННИНГ САЛОҲИЯТИ ВА ИМКОНИАТЛАРИГА ЯРАША МЕҲНАТ ҚИЛИШИ ВА ЯШАШИ КЕРАК



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожини, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 21-22 январь кунлари Бухоро вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари 22 январь кунини эрта тонгда Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилди. Утганлар хотирасига Қуръон тиловат қилиниб, Аллоҳ таолодан юртимизга тинчлик-фаровонлик, халқимизга саломатлик ва саодат тилаб дуо ўқилди.

Бухоро шаҳрида Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Илгирликда Вазирлар Маҳкамаси, республика вазирлик ва идоралари, вилоят, туман ва шаҳар секторлари раҳбарлари, фаоллар қатнашди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Мирзиёев 2020 йил ноябрь ойидан буён Бухоро вилояти ҳокими вазифасини вақтинча бажариб келаётган Ботир Комилов Зарипов номзодини вилоят ҳокими лавозимига тавсия этди.

— Вилоятни бошқариш, одамларни сафарбар қилиш осон иш эмас. Буни Зариповнинг ўзиям тушунапти. Мен уни турли лавозимларда синаганман, охириги уч ойда ҳоким вазифасини бажарувчи сифатида сизлар ҳам синадингиз. Бухоронинг сувини ичиб, чангини ютиб улғайган йигит вилоят шароитини яхши билади. Энг муҳими, бухороликларни яхши кўради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Б.Зарипов 1969 йилда Ғиждувон туманида туғилган. Банк соҳасида турли лавозимларда ишлаган. 2016-2020 йилларда республика курилиш материаллари саноатини бошқарган.

Халқ депутатлари, оқсоқоллар сўзга чиқиб, номзодни қўллаб-қувватлади. Овозга қўйиш натижаларига кўра, Ботир Зарипов Бухоро вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

— Бухорои шарифдек жойга, унинг буюк халқига раҳбар бўлиш ҳаммага ҳам nasib этмайди. Ана шу ишонч доим қулонингиз остида турсин. Кунлар, йиллар шиддат билан ўтади. Агар бухороликлар “вилоятимизга тўғри кадр келган экан”,

деб рози бўлса, мен ҳам ўзимни бахтиёр сезаман, — деди Президент.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимига инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ўринбосари лавозимига ишлаб келган Нозимжон Холмуродов, Бухоро вилоятининг прокурори вазифасига Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари бўлган Маҳмуд Истамов ҳамда Вобкент тумани ҳокими лавозимига Фарҳод Умаров тайинлангани маълум қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифалари буйича маъруза қилди.

— Бухоронинг бугунги ривожини маъқулли, деган саволга менинг жавобим: йўқ. Бошқа вилоятлардаги ривожланишдан 10 йил орқанда қоляпти. Коррупция, порахўрлик барҳам топмайпти. Ялпи ҳудудий маҳсулотда қишлоқ ҳўжалиги улуши 50 фоиз экани эски замондан нишон. Саноат, хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик буйича вилоятнинг имкониятлари жуда кенг. Туман ҳокимлари, сектор раҳбарларининг дунёқараши ўзгариши керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Жойлардаги муаммо ва имкониятларни маҳалла даражасида ўрганиш, аҳоли бандлиги ва даромадини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш буйича янги иш тизими жорий этилиши таъкидланди.

— Энди жамиятимизда бошқача йўналиш бўлади — маҳалла катта кучга айланади. Агар маҳалла раиси билимли, фидойи бўлса, кайфият ҳам, иқтисодиёт ҳам ўзгаради, — деди давлатимиз раҳбари.

Шу мақсадда вилоятга ишчи гуруҳ юборилган, шаҳар ва туманларга вазирлик, идора ва тижорат банклари раҳбарлари бириктирилди.

Мавжуд 544 та маҳалланинг ҳар бири ўрганилиб, 333 таси “қониқарли”, 182 таси “ўрта” ва 29 таси “паст” ривожланиш тоифаларига ажратилди. Аҳолига даромад манбаи яратиш захиралари аниқланган.

Давлатимиз раҳбари ишсизлик муаммосига алоҳида тўхталди. Янги иш ўринлари очил ва ўз ўзини банд қилувчиларга шароит яратиш буйича кўрсатмалар берилди. Оилавий тадбиркорлик, ёшлар бизнес лойиҳаларига 390 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланди. Ҳар бир туманда биттадан касб-хўнара мактаби ташкил этилади, маҳаллабай ўрганиш натижаси ўлароқ ишсизлар, ёшлар ва аёллар талаб юқори касбларга ўргатилади.

Бухоро вилоятида 2021-2022 йиллар учун умумий қиймати қарийб 19 триллион сўм бўлган 713 та инвестиция лойиҳаси шакллантирилган. Шундан 555 таси бу йил амалга оширилиши, 14 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Хизмат кўрсатиш соҳаси салоҳиятини тўлиқ ишга солиш, зиёрат туризмни янада ривожлантириш зарурлиги таъкидланди. Жумладан,

қадимий “Ғиждувон қўргони”ни қайта тиклаб, очик осмон остидаги музей барпо этиш, Вобкент туманидаги Ширин қишлоғини этнотуризм масканига айлантириш, Пешку туманининг Афсона қишлоғида “Ибн Сино замонаси” мажмуасини ташкил этиш буйича топшириқлар берилди. Бухоро зардўзлиги ва заргарлиги халқаро фестивалини ўтказиш ташаббуси илгари сурилди.

Ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, янги таълим ва тиббиёт муассасалари ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилда Бухорода Президент мактаби фаолият бошлади. Математика, ахборот технологиялари, кимё-биология ва физикага ихтисослашган 16 та мактаб ташкил этилади. Шунингдек, 18 та мактабни реконструкция қилиш белгиланган.

Давлатимиз раҳбари ёшлар масалаларига алоҳида тўхталди.

— Ёшларда жуда кўп ғоя, интилиш бор. Уларга шароит яратиб, елкадош бўлсак, улар жуда катта куч, қудрат, имконият ва келажак эгаси бўлади, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Сессияда инфратузилмани ривожлантириш, ичимлик суви ва оқова тармоғини яхшилаш, йўллар куриш ва таъмирлаш буйича ҳам вазифалар белгиланди.

— Мен ҳамма вилоятларимизни яхши кўраман, ҳурмат қиламан. Лекин Бухоронинг имкониятлари, салоҳияти ҳеч қайси вилоятда йўқ. Бу заминга худо берган, унинг ҳар қаричи тарих, илм. Бухороликлар бунинг қадрига етса ҳеч қачон кам бўлмайди, — деди пировардида давлат раҳбари.

Президентимиз Бухоро шахрининг Низомий маҳалласида қурилган замонавий уйлари бориб кўрди.

Илгари бу ҳудудда пана-пасткам, канализацияси йўқ уйлар бўлиб, шаҳар кўркини бузиб турарди. Утган йили бу ерда 7 қаватли замонавий уйлар, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилди.

Шавкат Мирзиёев меҳнат фахрийси Неъмат ота Ҳотамов хонадонига кирди. Дастурхон атрофида дилдан суҳбат бўлди.

Бу оила олдин шу маҳалладаги эски уйда истиқомат қилар эди. Энди барча ушбу замонавий мавзеда яшаётганидан рози.

Давлатимиз раҳбари халқимиз мана шундай замонавий шароитларда яшашга муносиб эканини таъкидлади.

Шу ерда Бухоро вилоятида автомобиль йўллари куриш ва таъмирлаш, Бухоро шаҳрида оқова сув иншоотлари куриш, эски кўп қаватли уйлар қиёфасини янгилаш режалари ҳақида ахборот берилди.

Шу билан Президентимизнинг Бухоро вилоятига сафари якунланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Б.К.Зариповни БУХОРО ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Ботир Комилов Зарипов** Бухоро вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри, 2021 йил 22 январь

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси матни ЕХХТ доимий кенгашининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Доимий кенгаши йиғилишида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси тақдим этилди.

Видеоконференцада шаклида ташкил этилган тадбирда ЕХХТ Бош котиби Хельга Шмид, Доимий кенгаши раиси, Швеция элчиси Ульрика Фунерд, ташкилот Котибияти ва Парламент ассамблеяси масъул ходимлари, шунингдек, ЕХХТга аъзо ва шерик давлатларнинг элликдан зиёд элчиси ва дипломатик миссиялари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистоннинг ЕХХТдаги Доимий вакили, элчи Абат Файзуллаев йиғилиш иштирокчиларини Президентимиз мурожаатномасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан таништирди.

Ушбу мурожаатноманинг дастурий аҳамиятга эга экани ва Ўзбекистоннинг яқин йиллардаги ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб бергани, шунингдек, таълим тизимини ислоҳ қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш, иқтисодий соҳани тараққий эттириш учун янада қулай шароитлар яратиш буйича ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ислохотларга янги туртки бериши қайд этилди.

Давоми 2-бетда

МУРОЖААТНОМАНИ ЎҚИБ...



Фозилжон ОТАХОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори, юридик фанлар доктори

ИЛМ-ФАНГА ЭЪТИБОР — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИГА МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЯРАТАДИ

Илмсиз тараққиёт ва ривожланишни тасавур этиб бўлмайди. Дунёда рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги шароитда эса замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш, уларнинг ҳаёт билан ҳамоҳанг ривожланишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон замини қадимдан илм-фан ўчоғи сифатида дунёни ҳайратга солиб келган. Маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиздан кўплаб олимлар, буюк мутафаккирлар етишиб чиққан. Уларнинг қолдирган бебаҳо илмий мерослари, нафақат бизнинг, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки ҳисобланади.

Кейинги йилларда республикаимизда олимларга, тадқиқотчиларга кенг шароитлар яратиб

берилмоқда. Аждодларимизнинг илмий меросини ўрганиш борасидаги янги тадқиқотлар жадал тус олди.

Шу маънода, янги Ўзбекистонда илм-фан соҳасининг тараққиёти бутун дунёга юз тутди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан кенг қўламли, илм аҳлининг ҳақли равишда қувоншига сабаб бўладиган салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Биринчидан, Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон илм-фанига янги ҳаёт бахш этилди, унга янги ва замонавий дунёқараш асосида ёндашила бошланди, илмий фаолиятнинг янги тарихий даври бошланиши учун замин ҳозирланди.

Давоми 3-бетда

МИЛЛИЙ ҒУРУРИМИЗ



Исажон СУЛДОНОВ, Инновацион ривожланиш вазирлиги маслаҳатчиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ҲАЁТ ТИЛИ

ёхуд жон ичра жоним менинг...

Она тилимиз жонли манзаралар яратиши, шунингдек, бирон-бир нарсаси хусусиятини ҳаётини реал бошқа нарсага қиёслаши билан таҳсинга сазовор. Бу аjoyиб тилда ҳаётдан йироқ, мавҳум иборалар сира учрамайди. Айни шу хусусияти туфайли ҳам манзара яратиш фазилати буйича манамен деган тиллардан устун турса, ажабмас. Бунга мумтоз адабиётимиздан ҳам, бугунги сўзлашув тилимиздан ҳам истаганча мисоллар келтириш мумкин.

Тилимизнинг узун-ё, алла. Юзимнинг қизили-ё, алла, Юраимнинг тафтига-ё Тандирлар қизийди-ё, алла...

“Ҳаёт тили” дегани шу — бирон-бир ҳолат ёки ҳиссиётни ҳаётда мавжуд аниқ нарсага ўхшатади, мавҳум, йўқ ўхшатишни қўлламайди.

Масалан, шомолга нисбатан: “шамол турди”, “шамол эсди” ёки “келди”, “тинди” сўзларини ишлатамиз.

Давоми 5-бетда

Фурқатининг заъфарон узра тўқармен полалар, Полалар эрмаски, бағримдин эрур парголалар.

ИНТЕРВЬЮ

ЯНГИ ТАШАББУСЛАР ҚАНОТИДА



Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бухоро вилоятига икки кунлик ташрифи ҳар доимгидек самарали, янги ташаббусларга, мулоқотларга бой бўлди. Вилоятни ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, ижтимоий ҳаётни яхшилаш борасида аниқ топшириқлар берилди. Бухороликлар давлатимиз раҳбари билан учрашувдан, билдирилган фикрларидан руҳланиб ҳаётга янгича назар билан қарамоқда. Олдига катта-катта мақсадлар қўймоқда.

Нозима ХОЛИҚОВА, Бухоро давлат университети таянч докторанти:

— Давлатимиз раҳбари билан учрашишнинг ўзиёқ менга катта қувонч бағишлади. Тенгдошларим қатори ўз фикрларимни баён қилдим. Бу ҳаётимда унутилмас воқеа бўлди. Яқинда мuddатидан аввал докторлик диссертациямни ҳимоя қилдим. Бунни айтганимда, Президентимиз менга катта ишонч билдириб, вилоятлараро чет тилини ўқитиш бўйича раҳбар лавозимига муносиб кўрди. Чет тилини ҳудудлар

кесимида чуқур ўрганиб, бугунгидан ҳам юқори натижа кўрсатиш учун методика ишлаб чиқиб, мамлакат миқёсида оммалаштириш таклифини билдирди.

Бу нафақат мен, балки устозларим, ота-онам ва жамоамиз учун билдирилган ишонч. Ўз навбатида, зиммамга катта масъулият ҳам юклайди. Лекин биз биргаликда олдимишга қўйилган вазифаларни удалаймиш.

Бехбуд ЖУМАЕВ, меҳнат фахрийси:

— Президентимиз Бухоро вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифалари бўйича маърузасида одамларни рози қилиш ҳақида кўп гапирди.

Давлатимиз раҳбари олиб бораётган сиёсатга кўра, одамларни рози қилиш эртага, индинга, бир ойдан кейин эмас, бугун бўлиши керак. Биз янги Ўзбекистонни биргаликда, ҳамжиҳатликда қураймиш. Бугун халқимиз бунинг чин дилдан қабул қилляпти. Шавкат Мирзиёев ҳар гал Бухорога келганида вилоятимизнинг барча соҳаларида ривожланиш, катта ўзгаришлар бўлади. Бугун билдирилган фикрлар биз, бухороликлар учун дастуриламал вазифасини ўтайди.

Кейинги йилларда Бухорода кўп қаватли уйлар қуриляпти. Ўтган 4 йил давомида 350 дан ортиқ шундай уйлар бунёд этилди. 10 мингга яқин оила "кичик ватанли" бўлди. 2021 йилда яна 75 та кўп қаватли уй қурилади. Бу билан қанча-қанча оилаларга қувонч кириб боради, ота-оналар фарзандлари бахтли эканини ҳис қилади. Биз эса ҳаммамиз бирлашиб, Президентимиз белгилаб берган вазифаларни бажарсак бўлгани.

Санам ЖУМАЕВА, Пешку тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими мутахассиси:

— Президентимиз Бухоро вилоятидаги 544 та маҳаллада бундан кейин ҳамма жабҳада маҳаллабай иш ташкил этилишини таъкидлади. Эндиликда вазирлар бўладими, ҳокимлар ёки уларнинг ўринбосарлари бўладими, барчаси маҳалла билан ишлайди. Чунки кимнинг кимлиги, албатта, маҳаллада биллинади.

"Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари", "Темир дафтар" асосида ҳар бир оиланинг яшаш шароити, аввало, маҳаллада ўрганилади. Давлатимиз раҳбари ишсиз аёлларни ўқитиб, кейин бандлигини таъминлашни алоҳида таъкидлади. Шунингдек, замонавий

услугадаги иссиқхоналар қуриш орқали ҳам хотин-қизлар ва ёшларни ишли қилиш бўйича ўринли таклифларни илгари сурди.

Биз, депутатлар маҳаллалар кесимида ҳар бир оилани қўллаб-қувватлаш билан атрофича танишиб, бирма-бир хатловдан ўтказдик. Шу маънода ҳам маҳаллабай тизимда янги-ча ишлашни йўлга қўйишимиз керак.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг вилоятимизга ташрифида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, аҳоли турмушини яхшилаш борасида аниқ режаларни белгилаб оламиз ва уни амалга оширамиз.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

БАРЧА МАҚСАД-ВАЗИФАЛАР ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БИЛАН ҲАМОҲАНГ



Шуҳрат ДЕҲҚОНОВ, "Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директорининг маслаҳатчиси, Ахборот ва жамоатчилик билан алоқалар бошқармаси бошлиғи



Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномаси кенг қўламдаги мазмун-моҳиятта эгаллиги, мамлакатимиз ва халқимизнинг миллий манфаатларини таъминлашга қаратилган креатив ғоя ва ташаббуслар илгари сурилгани билан юртдошларимиз ва халқаро жамоатчилиқнинг катта қизиқишига сабаб бўлди.

Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, Мурожаатномада қайд этилган фикр-мулоҳазалар, белгилаб берилган вазифалар қайси соҳа ва тармоққа тааллуқли бўлмасин, барчасининг замирида, энг аввало, фуқароларимизнинг Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тўлиқ таъминлаш ғояси мужассам эканини аниқлаймиш.

Дарҳақиқат, кейинги вақтларда мамлакатимизда инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш соҳасида амалга оширилётган ислохотлар бу борадаги халқаро стандартларни миллий қонунчилигимизга босқичма-босқич имплементация қилган ҳолда изчил ва тизимли равишда амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, ҳозирга қадар Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги 80 дан ортиқ халқаро ҳужжат нормалари миллий қонунчилигимизда ўз аксини топганини кўриш мумкин. Шунингдек, мамлакатимиз БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протоколига қўшилган бўлиб, уларнинг

амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий кумиталарига мунтазам равишда миллий маърузалар тақдим этиб келинмоқда. 2020 йил июнь ойида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси эса, ушбу соҳада давлат сиёсатининг янада самарали амалга оширилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи янада юксалишига, ўз навбатида, юртимизнинг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Янги Ўзбекистон сифатида дунёда эътироф этилаётган мамлакатимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлгани эса, нафақат юртимиз, балки дунё миқёсида ҳам катта тарихий воқеалик сифатида қарши олингани бежизга эмас. Дарҳақиқат, инсоннинг фуқаролик, шахсий, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш борасида мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларнинг халқаро ҳамжамият томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилаётгани олиб борилаётган очик ва прагматик ташқи ва ички сиёсатнинг нақадар тўғри эканидан яна бир далолатдир.

Яқинда АҚШ давлат департаменти томонидан Ўзбекистон диний эркинлик соҳасидаги "махсус қузатувдаги давлатлар" рўйхатидан чиқарилгани ҳам кенг қўламли демократик ислохотларнинг амалий натижасидир.

Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг олий минбаридан илгари сурган, устувор мақсади инсон ҳуқуқ-манфаатларини рўйбга чиқариш бўлган глобал ва минтақавий ташаббусларнинг дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланаётгани ва ҳаётга жорий этилаётгани эса, барчамизга чексиз фахр ва ифтихор бахш этади, албатта. Ўз навбатида, "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб ном олган 2021 йилда ҳам бутун халқимиз, айниқса, эртанги кунимиз эгаси бўлган ёш авлоднинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича амалга ошириб келинаётган, орта қайтмайдиган ислохотлар изчил давом эттирилиши Мурожаатномада қатъий баён этилди.

Бошқача айтганда, айни вақтга қадар ҳам мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш борасида ҳавас қилса арзиғулик юксак эътибор ва ғамҳўрлик бу йил янада юқори босқичга олиб чиқилиб, ёшларга оид давлат сиёсати янги ва замонавий тамойилларга таянган ҳолда давом эттирилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш ўринли, бу соҳада Ўзбекистоннинг бутун жаҳон ёшларининг ҳуқуқ-манфаатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган алоҳида аҳамиятга молик. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ минбаридан Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенциясини қабул қилиш таклифи халқаро ҳамжамиятнинг эътирофи сазовор бўлди. Бугун дунёда ёшлар сони икки миллиарддан ортиб кетган, халқаро терроризм ва экстремизм

шиддат билан ўсиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон раҳбари ёшларга ҳар томонлама ҳимоя зарурлигини асослаб берди.

Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимида эришилаётган салмоқли натижалар ҳам инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муҳим омилидан бири эканини қайд этиш лозим. Одил судловга эришиш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, шу жумладан, жиноий жазоларни либераллаштириш соҳасидаги тизимли ислохотлар самарасини биргина 2020 йилнинг ўзида судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланганида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, ўтган йили жазо мuddатини ўтаётган ва тузалиш йўлига қатъий кирган 616 нафар фуқаро афв этилиб, 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилгани фикримиз далилидир.

Жорий йилда фуқароларимизга суд биносига келиб юрмасдан, онлайн тартибда мурожаат қилиш, ўз аризаларини кўриб чиқиш жараёнини масофадан туриб кузатиб бориш имкониятининг яратилиши, жазони ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг қўллаш борасида ишлар изчил давом эттирилиб, 25 та манзил-колонианинг босқичма-босқич қисқартирилиши назарда тутилган ҳам халқаро талабларга тўла жавоб бера оладиган чоралардир.

Шунингдек, қийноқларнинг олдини олиш бўйича Омбудсман ваколатларини кенгайтириш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш, 2005 йилгача мамлакатимизга келиб доимий истиқомат қилаётган ҳамда юртимизда 15 йил давомида муқим яшаган, фуқаролиги бўлмаган шахсларга тўғридан-тўғри Ўзбекистон фуқаролиги берилиши эса 20 минг йил бўлади бу борадаги ийиллаб қийнаётган муаммоларининг ижобий ҳал этилишига сабаб бўлади.

Мухтасар айтганда, кириб келган 2021 йил инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва рўйбга чиқариш, халқимиз учун муносиб турмуш даражасини таъминлаш, жамият фаровонлигини мустаҳкамлаш, демократик ислохотлар самардорлигини ошириш йўлида баракали ийил бўлади, дея умид қиламиз ва бунга ишонамиз.

Ушбу жараёнларда "Тараққиёт стратегияси" маркази жамоаси ҳам бор куч ва имкониятларини сафарбар этиб, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг қанчалар кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатларда ташаббускорлик ва фаоллик билан иштирок этишни мақсад қилган.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИСГА МУРОЖААТНОМАСИ МАТНИ ЕХХТ ДОИМИЙ КЕНГАШИНИНГ РАСМИЙ ҲУЖЖАТИ СИФАТИДА ТАРҚАТИЛДИ

Бошланиши 1-бетда

Элчи мамлакатимиз парламенти аъзолари давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистонда 2021 йилни "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаганини маълум қилди. Ушбу таклиф мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган изчил саъй-ҳаракатларни давом эттириш, ёш авлоднинг соғлом ва баркамол тарбия топишига шароит яратиш, таълим, илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадларига қаратилган.

Ўзбекистон халқаро майдонда миллий манфаатларга жавоб берадиган очик, амалий ва конструктив ташқи сиёсатни давом эттириши таъкидланди.

Ийгилиш иштирокчиларининг диққат-эътибори давлатимиз раҳбари томонидан 2021 йилда Ўзбекистон ташқи сиёсатини амалга ошириш бўйича белгилаб берилган асосий вазифаларга қаратилди. Марказий Осие давлатлари билан кўп асрлик дўстлик, яхши кўшничлик, стратегик шериклик муносабатлари ва Ўзаро ишончли мустаҳкамлаш, асосий шериклар бўлган мамлакатлар билан кўп қиррали ва Ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш, БМТ, бошқа нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмалар билан яқин ҳамкорликни

Ушбу Мурожаатноманинг дастурий аҳамиятга эга экани ва Ўзбекистоннинг яқин йиллардаги ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаб бергани, шунингдек, таълим тизимини ислоҳ қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда илм-фанни ривожлантириш, иқтисодий соҳани тараққиёт этириш учун янада қулай шароитлар яратиш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ислохотларга янги туртки бериши қайд этилди.

ривожлантириш шулар жумласидан. Ўзбекистонда миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни янада демократлаштириш, савдо-иқтисодий алоқалар ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича амалга оширилаётган фаол ишлар давом эттирилиши маълум қилинди.

Ийгилиш яқунлари бўйича Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси матни ЕХХТ Доимий кенгашининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилди.

МУРОЖААТНОМАНИ ЎҚИБ...

ИЛМ-ФАНГА ЭЪТИБОР — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИГА МУСТАЎҚАМ ЗАМИН ЯРАТАДИ



Бошланиш 1-бетда

Хусусан, Президентимизнинг давлат раҳбари сифатида амалга оширган илк ислохотларидан бири, бу — илм-фан соҳасини ривожлантириш, соҳа фидойиларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида янги механизмлар жорий этилганида намоён бўлди. Шу мақсадда, Президентимизнинг 2016 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари фаолиятини янада такомиллаштириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Фармон билан Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини фан-таълим ва ишлаб чиқариш жараёнларига фаол жалб этиш, фан-таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштиришда, шунингдек, юқори малакали кадрлар тайёрлашда уларнинг ролини кучайтириш борасида тахсинга сазовор ишлар амалга оширилди.

Иккинчидан, ўтган йиллар мобайнида ҳаётини аҳамияти эътибордан четда қолган илм-фан ва илмий фаолият натижаларини ишлаб чиқариш жараёнларига бевосита интеграция қилиш мақсадида янги механизмлар жорий этилди, илм-фан кашфиётлари, янги ишланмаларнинг қиймати ошишига эришилди.

Мазкур ишловлар жараёнида илмий тадқиқот ишларига кенг эътибор қаратилди. Натижада ўзбек халқининг тилларда дoston бўлиб келаётган тарихий, илмий қиёфаси яна дунё узра қайтадан кенг қулоч ёза бошлади.

Учинчидан, илм-фан соҳасининг ҳуқуқий базаси янада мустаҳкамланди. Хусусан, 2017–2020 йиллар мобайнида соҳани ривожлантиришга қаратилган 100 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, 3 та қонун, 50 дан ортқ Президент фармони ва қарорлари қабул қилиниб, уларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ишлаб чиқилди.

Тўртинчидан, илм-фан ва таълим тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда илм-фан вақилларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича кенг миқёсда ишлар амалга оширилмоқда.

Фанлар академияси ва унинг институтларига “янгидан ҳаёт бахш этиш” натижасида тизимдаги илмий муассасалар сони 20 тадан 35 тага етказилди. Академияга сайловлар қайта тикланди. Фанлар академияси тизимида Давлат ва ҳуқуқ



даги илмий тадқиқотларни янада ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида соҳанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, ахборот технологиялари соҳасидаги тадқиқотлар ва илмий ишларни самарали амалга ошириш мақсадида янги таълим ҳамда тадқиқот муассасалари ташкил этилди.

Илм-фан соҳасини, хусусан, илмий фаолиятни амалга ошириш, тадқиқот натижаларидан фойдаланиш, янги ишланма ва технологияларни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш каби масалаларни ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида 2019 йил 29 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

Бу қонун билан илм-фан ва илмий фаолият соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга эришилди. Илм-фан соҳаси асосий принциплари ва йўналишлари, соҳани тартибга солувчи давлат органлари ваколатлари, илмий фаолият субъектлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш, илмий фаолият соҳасини молиялаштириш каби муҳим масалаларга доир нормалар белгиланди.

Бугунги кунда аввал жорий этилган муайян қоидаларни, белгиланган тартибларни ижтимоий муносабатлар би-

МАМЛАКАТИМИЗ ИЛМИЙ КАДРЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТГА ЁШЛАРИ КЕНГ ЖАЛБ ЭТИШ БОРАСИДА МУТЛАҚО ЯНГИ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ. ХУСУСАН, ИЛМИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТАДҚИҚОТЧИЛАРИНИНГ ЎРТАЧА ЁШИНИ 2025 ЙИЛГА ҚАДАР 45 ГА, 2030 ЙИЛГАЧА ЭСА 39 ГА ЕТКАЗИШ. 2025 ЙИЛГА ҚАДАР 39 ЁШГАЧА БЎЛГАН ФАН НОМЗОДИ, ФАЛСАФА ВА ФАН ДОКТОРЛАРИ УЛУШИНИ 2 БАРАВАРГА, 2030 ЙИЛГАЧА ЭСА 3 БАРАВАРГА ОШИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИФАЛАР НАЗАРДА ТУТИЛДИ.

лан ҳамоҳанг тарзда ривожлантириш мақсадида уларни такомиллаштиришга зарурат туғилмоқда. Айниқса, амалдаги қонунлардаги нормаларни ривожлантириб бораётган ижтимоий муносабатлардан илгари бўлишини таъминлашга ҳаётини эҳтиёж мавжуд.

Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни мамлакатимизда илм-фан соҳасида сўнгги бир йилда амалга оширилган ислохотлар ва ўзгаришлар жараёнидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш зарур.

Хусусан, илм-фан соҳасида муҳим аҳамият касб этувчи асосий тушунчаларнинг ҳуқуқий таърифларини белгилаш мақсадида мувофиқ. Яъни илмий изланиш, илмий тадқиқот, синов ишланмалари, давлат илмий-тадқиқот сисъати, илмий ва илмий-техник натижаларнинг тижоратлашуви, илм, илмий ва илмий-техник фаолият субъектлари, илмий тадқиқот институти, давлат илмий-техник экспертизаси, аккредитация, диссертация кенгаши, илмий интеллектуал мулк, технополис, ижодий эркинлик, илмий маданият каби тушунчаларнинг аниқ таърифларини белгилаш тақлиф этилди.

Хорижий давлатлар, хусусан, Финляндия, Россия, Беларусь, Қозғистон, Хорватиянинг мазкур соҳани тартибга солувчи қонунларида асосий тушунчалар алоҳида моддада белгиланган.

Қонундаги ақсарият ҳаволаки нормаларни тўғридан-тўғри амал қилувчи нормалар сифатида қайтадан ифодалаш мақсадга мувофиқ. Бунда қонундаги илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш (31-модда) ва илмий лойиҳаларни молиялаштиришга (36-модда) доир қоидаларнинг ижро механизминини аниқ белгилаш самарали бўларди.

Шу сабабли, қонундаги шу ва бошқа моддалардаги ҳаволаки нормаларни Президентимизнинг “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ва Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида белгиланган талаблар асосида қайта қўриб

чиқиш мақсадга мувофиқ. Хорижий давлатларнинг илм-фан ва илмий фаолият соҳасини тартибга солиш борасидаги тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, уларда ҳам ушбу соҳани ривожлантириш масаласи устуворлик касб этишини кўриш мумкин.

Масалан, Германиянинг 1949 йилги Конституцияси 5-моддасида “илмий фаолият ҳуқуқи ва эркинлиги инсоннинг шахсий ҳуқуқи”га, 74-моддасида “илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш”га доир қоидалар белгиланган, Испаниянинг 1978 йилги Конституциясининг 20-моддасида “шахсий ҳуқуқлар қаторида илмий ва техникавий асарларни ишлаб чиқариш ва яратиш”га ва 149-моддасида “Давлат илмий-техникавий тадқиқотларни ривожлантириши кафолатлаши”га доир қоидалар белгиланган.

Шунингдек, хорижий давлатларда илм-фан соҳасини самарали ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида ўзига хос ноёб механизмлар жорий этилганини ва улар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилганини таъкидлаш ўринли. Хусусан, Хорватия Республикасининг 2003 йилги “Илм-фан ва олий таълим тўғрисида”ги қонунда илмий тадқиқот муассасаларининг ўз илмий тадқиқотларига олий таълим муассасаларини жалб этиши мажбурий экани белгилаб қўйилган. Беларусь Республикасининг 1996 йилги “Илмий фаолият тўғрисида”ги қонунда илмий тадқиқот натижаларини мажбурий синовдан ўтказиш институти, Украина Республикасининг 2015 йилги “Илмий ва илмий-техникавий фаолият тўғрисида”ги қонунда Жамоат илмий ташкилотлари ва Ёш олимлар кенгашлари ҳамда улар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш фондлари каби институтлар фаолиятини йўлга қўйиш, Жанубий Кореянинг 2001 йилдаги “Илм-фан ва технологиялар тўғрисида”ги қонунда ҳукумат томонидан илмий тадқиқот фаолиятини молиялаштираётган тадбиркорлик субъектларига ишчи кучи, солиқ имтиёзлари, молиявий ёрдам ва тижорат имтиёзларини тақдим этишига



доир қоидалар белгиланган ҳамда самарали амалиёт жорий этилган.

Президентимизнинг “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони мамлакатимиз илм-фани ривожининг янги босқичини бошлаб берди. Хусусан, фармон билан Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлади. Унда илм-фан ва илмий фаолиятни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узоқ муددатли истиқболдаги ривожланиш босқичлари белгилаб берилди ҳамда соҳага оид мақсадли дастурлар, комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш назарда тутилди.

Ушбу тарихий ҳужжат илм-фан соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги концептуал жиҳатлари билан алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади.

Биринчидан, илм-фан соҳасига замонавий бошқарув ушбуларини жорий этишни назарда тутувчи янги институтларнинг ҳуқуқий асоси белгиланди. Хусусан, илмий ташкилотларнинг илмий-инновацион фаолияти самарадорлигини баҳолашга йўналтирилган миллий рейтинг тизимини жорий этиш, илм-фанда ижтимоий шериклики ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилди.

Иккинчидан, илм-фан ва илмий фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг тамомла янги босқичи учун ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилди. 2025 йилга қадар илм-фанга йўналтири-



ладиган жами маблағларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан улушини 6 бараварга, 2030 йилгача эса 10 бараварга ошириш, инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида хорижий етакчи инвестиция компаниялари билан ҳамкорликда 2021 йилда 2 та, 2025 йилда 10 та венчур жамғармаларини ташкил қилиш шулар жумласидандир. Учинчидан, мамлакатимиз илмий кадрлари сифатини ошириш ва илмий фаолиятга ёшларни кенг жалб этиш борасида мутлақо янги институционал тизимни яратиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, илмий ташкилотлар тадқиқотчиларининг ўртача ёшини 2025 йилга қадар 45 га, 2030 йилгача эса 39 га етказиш. 2025 йилга қадар 39 ёшгача бўлган фан номзоди, фалсафа ва фан докторларини улушини 2 бараварга, 2030 йилгача эса 3 бараварга ошириш билан боғлиқ вазифалар назарда тутилди.

Тўртинчидан, илм-фан тараққиётига қўмлашувчи замонавий ахборот муҳитини шакллантиришга доир муҳим вази-




2021 йилда ИЛМ-ФАН СОҲАСИДА ОЛИЙҒОҲЛАР ВА ИЛМИЙ ТАШКИЛОТЛАРДАГИ ДОКТОРАНТЛАР СОНИ 4,5 МИНГАГА ЕТКАЗИЛИШИ, УШБУ МАҚСАДЛАР УЧУН БЮДЖЕТДАН ҚЎШИМЧА 240 МИЛЛАРД СЎМ АЖРАТИЛИШИ, ИЛҒОР ХАЛҚАРО АМАЛИЁТ АСОСИДА ДОЦЕНТ, ПРОФЕССОР ИЛМИЙ УНВОНЛАРИ, ФАЛСАФА, ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРИШ ВАКОЛАТИ ЎЗ ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА НУФУЗЛИ БЎЛГАН ОЛИЙҒОҲЛАРНИНГ ИЛМИЙ КЕНГАШЛАРИГА ЎТКАЗИЛИШИ КЎЗДА ТУТИЛДИ.

вазифалар белгиланди. Жумладан, 2021 йилда илм-фан соҳасида олийгоҳлар ва илмий ташкилотлардаги докторантлар сони 4,5 мингага етказилиши, ушбу мақсадлар учун бюджетдан қўшимча 240 миллиард сўм ажратилиши, илғор халқаро амалиёт асосида доцент, профессор илмий унвонлари, фалсафа, фан доктори илмий даражаларини бериш ваколати ўз йўналиши бўйича нуфузли бўлган олийгоҳларнинг илмий кенгашларига ўтказилиши кўзда тутилди.

Шунингдек, физика йўналишида илмий изланишлар қўлими ва сифатини ошириш, ёш олимларга зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши, қишлоқ ҳўжалигига илм-фан ва инновациялар соҳасидаги ютуқлар кенг жорий этилиши, “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасида, таълим-тарбия тизимини бошланади”, деган фоя асосида кенг қўламли ислохотларнинг амалга оширилиши, “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали етакчи хорижий олий ўқув юртларининг магистратура ва докторантурасида ўқишга жўборладиган ёшлар сони 5 баробарга оширишга доир муҳим вазифалар белгиланди.

Президентимиз томонидан яқин истиқболда илм-фан соҳасида амалга оширилиши белгиланган ушбу вазифаларнинг бажарилиши таъминлашга, юртимиз тараққиётининг янги порлоқ саҳифалари очилишига, Учинчи Ренессанс пойдевори учун мустаҳкам замин яратилишига хизмат қилиши билан аҳамиятга молиқдир.

Илм-фан тараққиёти юксак цивилизацияларнинг асоси экани ҳеч кимга сир эмас. Дунё илм-фани ўчоги, цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз яқин келажақда илмий маскан сифатидаги тарихий қиёфасини қайтадан тиклаган ҳолда жаҳон майдонидagi ўрни ва нуфузини янада мустаҳкамлаш учун барча асослар ва шарт-шароитлар етарли. Шу боис, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломамлигини мустаҳкамлаш йили” юртимизда чинакамига илм-фан соҳаси вақилларининг йилги сифатида қўллаб-қўмлаштириш фаолиятини яратиш билан тарихда ўчмас из қолдириши, илм-фан соҳаси вақиллари ҳаётида беқиёс ўрин касб этишига ишонами.



ИСЛОХОТЛАР АМАЛДА



ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

халқаро андозалар асосида ҳам илмий, ҳам амалий ёндашувни талаб этади

Урбанизация жараёнининг жадаллашуви, мегаполис шаҳарларнинг кўпайиши, аҳоли сонининг ўсиши натижасида жамоат транспортига бўлган талаб ва эҳтиёж йил сайин ошиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, жамоат транспорт хизмати сифатини ошириш, маданиятини юксалтириш, уни бугунги давр ва шартларга мослаштиришни тақозо этмоқда.

Президентимиз соҳа мутасаддилари олдида жамоат транспортини тубдан ислоҳ этиши, мамлакатимизнинг туман ва шаҳарларида жамоат транспортини ривожлантириш, ҳудудларнинг унга бўлган эҳтиёжини қондириш, транспорт инфратузилмасини ташкил этиши, транспорт-логистика масалаларига илмий жиҳатдан ёндашиш, хусусан, хорижий тажрибани ўрганиш, соҳага замонавий кадрларни тайёрлаш ва жалб этиш вазифаларини кўйди.

Ана шундай вазифалардан келиб чиқиб, Тошкент давлат транспорт университети мутахассисларида жамоат транспортининг бугунги ҳолати, халқаро тажриба, соҳадаги мавжуд муаммолар, уларнинг ечимига илмий ёндашуви, таълим даргоҳида малакали мутахассислар тайёрлаш борасида амалга оширилётган чора-тадбирлар хусусидаги саволлар билан муножарат қилдик.



Гаффор САМАТОВ, Тошкент давлат транспорт университети кафедра mudiri, иқтисод фанлари доктори, профессор:



— Давлатимиз раҳбари томонидан Тошкент давлат транспорт университети фаолиятини соҳадаги ислохотлар билан уйғунлаштириш, профессор-ўқитувчи ва талабаларни бу жараёнга кенг жалб этиш бўйича кўрсатма берилгани бу борада амалга оширилмаган ишларга янада масъулият билан ёндашишни талаб этади.

Шу ўринда соҳага малакали кадрлар тайёрлаш масаласи хусусида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Олий ўқув юртидаги "Транспорт логистикаси" кафедраси бугунги кунда нафақат университет, балки республика миқёсида ҳам йўловчи транспорт логистикаси, шу жумладан, жамоат транспорт фаолиятини ташкил этиш йўналишида олий маълумотли илмий-педагог кадрлар тайёрловчи база ҳисобланади.

Университетимизда жорий йилда "Логистика" илмий-ўқув марказини ташкил этиш режалаштирилган. Марказ ўзининг илмий ва ўқув фаолиятида чет мамлакат ва республикамиздаги илгор логистика илмий мактаблари, етакчи логистика компанияларининг кўп йиллик тажрибаси ва ютуқларига таянади.

Марказ таркибиде виртуал логистика ва рақамли технологиялар (алоҳида компьютерли синф ва дастурий таъми-

нотлар), 3D логистика, юк ва йўловчи ташиш жараёнида инновацион технологияларни қўллашни фаоллаштириш мақсадида лабораториялар ташкил этилади. Марказ воситасида университетнинг давлат ва маҳаллий ҳокимият ҳамда йирик ҳўжалик бошқаруви органлари билан жамоат транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар ишлаб чиқиладди. Йўловчи транспорт логистика кластерлари ва экотизимларини шакллантириш ва бошқариш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳамда экспертизадан ўтказиш, юк ва йўловчи транспорт фаолияти учун ахборот ресурсларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш, транспорт логистикасини ривожлантиришга доир қонунчилик ташаббуслари билан чиқиш, транспорт логистикасида стратегик қарорларни қабул қилиш учун ташиш таннархи, тарифлар, валюта параметрлари ўзгаришига мослашувчан транспорт муҳитини яратиш бўйича прогностларни тайёрлаш зиммаимиздаги долзарб вазифалардир.

Тўғғун ҚОДИРОВ, иқтисод фанлари номзоди, доцент:



— Тахлиллар бугунги кунда жамоат транспортдан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бир қатор муаммолар ўз илмий ечимини кўтаётганини кўрсатади. Жумладан, аҳолига хизмат кўрсатувчи транспорт воситалари паркинни янгилаш ва улардан фойдаланиш даражасини ошириш, йўловчи ташиш харажатлари ва автомобилларни ишлаштириш кўрсаткичлари ўртасида оқилона муносиблик ўрнатиш, жамоат транспортдан фойдаланиш тарифларининг асосиз ўсиб кетишига йўл қўймайлик каби муҳим масалалар шулар жумласидандир.

Республикамиз ҳудуди кенг, аҳоли сони ортиши асосида улар истиқомат қилувчи катта-кичик пунктлар сони ҳам тобора кўпайиб борапти. Олдимизда аҳоли пунктларини туман ва шаҳар марказлари билан боғловчи йўналишлар ташкил этиш, йўналишларда йўловчилар оқи-

ли ва эксплуатация шароитига мос ҳаракат тарихини шакллантириш каби вазифалар турибди. Шунингдек, йўловчиларга қулайлик яратиш, ташиш ва техник хизмат кўрсатиш жараёнини қамраб олувчи теозор ахборот тизимини шакллантириш, аҳолини белгиланган йўналишларда йўл инфратузилма объектлари билан таъминланганлик даражасини ошириш ҳамда йўловчи транспорт хизмати кўрсатувчи корхоналар ходимлари малакасини оширишни янада такомиллаштириш зарур.

Транспорт университетиде мазкур муаммолар ечимига қаратилган илмий тадқиқот ишлари базаси шакллантирилган. Профессор-ўқитувчилар ва тадқиқотчилар томонидан тизимли илмий ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда илгор мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, йирик шаҳарлар ва уларнинг агломерацияси, чекка аҳоли пунктларини туман марказлари билан боғловчи жамоат транспорт йўналишларини очилда давлат ва хусусий шериклик амалиётини кенг жорий этиш лозим. Масалан, қишлоқлар билан туман марказини боғловчи йўналишларини очилда ҳаракатдаги тарихини харид қилиш, йўналиш бўйлаб бекатлар ва бошқа инфратузилма объектларини ишга тушириш, уларни ахборот экранлари билан жиҳозлашни кичик бизнес вакилларига маълум бир имтиёз шартларда бериш йўловчиларга ўз вақтида ва сифатли транспорт хизмати тақдим этишни таъминлайди. Бу борада бир гуруҳ тажриба-

ли профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланаётган "Давлат ва хусусий бизнес шериклиги асосида туман (шаҳар) жамоат транспортини ривожлантириш дастурининг рақамлаштирилган модели" мавзусидаги йирик лойиҳа якунига етай деб қолди. Лойиҳа дастурий аҳамиятга эга бўлиб, у республикамизнинг барча қишлоқлари билан туман марказлари ўртасида жамоат транспорт фаолиятини йўлга қўйишни мақсад қилган. Ушбу дастурни амалга ошириш асосида тулиқ хусусий капитални жалб этиш орқали 1000 га яқин янги йўналишларини очил ва мавжудларини оптималлаштириш ҳисобида 20 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш имконияти пайдо бўлади.

Қишлоқларда жамоат транспорт аҳамиятини ошириш ҳисобида ҳар бир йўналишида инвесторларни жалб қилишга эришиш мумкин.

Янги очиладиган барча йўналишда ташиш жараёни ягона электрон платформада, автоматлаштирилган тарзда ташкил этилади. Йўловчилар учун мобиль иловалар, ақли (смарт) бекатлар, маҳаллий операторларнинг ўзаро аутсорсинг, инсорсинг операцияларини теозор амалга ошириш платформалари операторлар фаолияти, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилайтиди, баҳолаш жараёнида коррупция ва инсон омилли таъсири бартараф қилади. Энг муҳими, йўловчиларга керакли ҳажмда, ҳамёнбон, кафолатланган ва сифатли транспорт хизмати кўрсатишни таъминлайди.

Ботир АБДУЛЛАЕВ, техника фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент:



— Йирик шаҳарларда транспорт оқими юқори бўлиши ҳисобида тирбандлик вужудга келади. Бу эса автобусларнинг белгиланган қатнов жадвалидан чиқиб кетишига, ҳаракат интервалининг бузилишига, бекатларда йўловчиларнинг қўтиб қолишига сабаб бўлади.

Бундай ҳолатларда, табиийки, ривожланган мамлакатлар тажрибасига мурожаат қилинади. Муаммоларнинг ечими сифатида ҳозирги кунда ривожланган давлатларнинг йирик шаҳарлари, масалан, Куритиба (Бразилия), Истанбул (Туркия), Манхэттен (АҚШ) ва бошқа шаҳарларда "BRT" (Bus rapid transit — Теозор автобус) тизими кенг қўлланилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 мартдаги қарориде Тошкент шаҳрининг Фарғона йўли кўчасида теозор автобус қатновини ташкил этиш мақсадида тажриба тарихида махсус йўлак (BRT)ни амалга ошириш юзасидан энг яхши тақлифларни танлаб олиш, 20 та замонавий электробус ва уларни қуватлаш ускуналарини харид қилиш белгиланган. Бундай тизимнинг қатор афзаллик жиҳатлари мавжуд. Биринчидан, автобус алоҳида йўлда ҳаракатлангани сабабли

тирбанд ҳолат юзага келмайди, иккинчидан, ҳайдовчи йўлқира тўплаш учун чалғимайди. Чўнки йўлқира олдиндан амалга оширилади: йўловчи унга бекатдан турникет орқали чиқади.

"BRT" тизимини қўллаш жамоат транспорт жўзибадорлигини, иш самарадорлигини ва ишончилигини оширади, транспорт тирбандлиги, шовқин, атроф-муҳитга чиқариладиган заҳарли газлар миқдори, ёнилги сарфини камайтиради.

Аммо шуни айтиб ўтиш керакли, "BRT" тизимини шаҳарнинг барча қўчаларида қўллаб бўлмайди. Кенг тизимни қўллашда йўлнинг қатнов қисми маълумлиги, ундаги транспорт воситалари ҳаракати жадаллиги, вужудга келиши мумкин бўлган транспорт тирбандлиги, йўловчилар оқими каби кўрсаткич ва омиллар асос қилиб олинади. "BRT" тизими йўловчилар, транспорт воситалари, пидедалар оқими ҳаракати йўналиши, жадаллиги, тезлигига таъсир кўрсатадиган даражадаги йирик лойиҳа ҳисобланади. Шу боис, мазкур тизимни шаҳар ҳудудининг қолган барча жамоат транспорт иши билан мувофиқлаштириш лозим. Бу, албатта, анчайин мураккаб масала.

Мураккаблиги шундаки, йўловчиларнинг ҳам, транспорт воситаларининг ҳам, пидедаларнинг ҳам ҳаракат кўрсаткичларига (йўналиши, миқдори, тезлиги ва ҳўказо) юзага келиш мумкин бўлган турли эҳтиомли ҳолатлар ўз таъсирини кўрсатади. Яъни, соддароқ қилиб айтганда, кейинги бекатда автобусга нечта йўловчи чимқоқчи, эртага кор ёки ёмирг ёғса, йўналишда йўловчилар оқими қанча миқдорга ошади ёки камаяди, "Пахтакор" стадионида халқаро даражадаги футбол мусобақаси ўтказилиши қайси йўналишларда йўловчилар сонини оширади, қайси йўналишларда камайтиради, деган саволларга махсус алгоритм, ҳисоблаш модели асосида жавоб топилади.

Транспорт қатнови муаммоларини ҳал этишда замонавий технологиялар муҳим ўрин тутади. Илгари таҳол тажрибасида мегаполис шаҳарларда ҳар 10 йилда йўловчилар оқими

ўрганилар эди. Ҳозирги кунда бунга деярли ҳўжат қолмайди. Чўнки жамоат транспорт учун ягона тўлов карталарининг жорий этилиши мазкур муаммога ечим бўлмоқда. Маълумки, Тошкент шаҳрида жамоат транспортининг бир нечта тури учун ягона тўлов картаси жорий этилмоқда. Бу, ўз навбатида, йўловчилар оқими, йўналиши, ҳажми ва бошқа кўрсаткичларини вақт кесимида (онлайн) аниқлаш имконини яратади. Бунинг натижасида жамоат транспорт ишини режалаштириш осонлашади.

Мазкур тизим ишга тулиқ тушганидан сўнг шаҳарни транспорт билан юксалганлик даражасини ҳудудлар кесимида бир маромда тақсимланишига эришиш, яъни йўловчилар оқимини бошқариш имконияти пайдо бўлади. "Қизил", "сарик", "яшил" ҳудудлар бўйича алоҳида тарифлар жорий этиш, йўлқирани шаҳарнинг марказий қисми учун қимматроқ, марказдан четлашган сари арзонроқ қилиш мумкин.

Кўпчилик шаҳар ва қишлоқларда йўловчи транспорт қатновини яхшилаш ҳўқида сўз кетганда, албатта, велосипеддан фойдаланиш бўйича ҳам гапирилади. Чўнки у ҳар томонлама фойдаланиш ва самарали транспорт воситаси саналади.

Дунёдаги бир қатор илгор мамлакатларда жамоат транспортини ривожлантиришда вело-транспорт тизими йўлга қўйилган. Хориждаги ана шу илгор вело-транспорт инфратузилмасини ривожланиш тажрибаларини таҳлил қилиш ва уларни мамлакатимиз амалиётиде қўллаш долзарб ҳисобланади.

Мухтасар айтганда, жамоат транспортини ривожлантириш кенг қамровли масала бўлиб, у бир вақтинг ўзида ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан ёндашушни талаб этади. Видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари берган қўрсатма ва чора-тадбирларни тез ва сифатли амалга ошириш яхши самара бериши, шўбҳасиз.

"Янги Ўзбекистон" муҳбири Рисолат МАДИЕВА тайёрлади.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР



Соҳиба МУЛЛАЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Илгари аҳоли чекланган ва чегараланган миқдорда банк хизматларидан фойдаланар, кредит олиш борасида-ку, ҳайкиби иш кўрар эди. Бугун эса бу тушунчалар анча кенгайди. Айнақса, хизмат турлари сонининг ортиши, қўллаб банк операцияларининг инсон омилсиз қисқа фурсатларда амалга оширилётгани миқозлар ишончининг ошишига олиб келмоқда.

Аммо гуруч курмақсиз бўлмаганидек, банк фаолияти тўғри йўлга қўйилгани билан ўз ишига масъулиятсиз ходимлар ҳам учраб туради. "Халқ банки" томонидан ишга туширилган "Quick statement" мобиль иловаси орқали ҳар бир миқоз ана шундай ходим ҳўқида тўғридан-

РАҚАМЛАШТИРИШ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВ

банк хизмати сифатини оширади

тўғри раҳбариятга маълум қила олади. Бунда фойдаланувчи ўз қўл телефонида ушбу иловани юклаб олиши керак. Шундан сўнг у мазкур банк хизматларидан фойдаланаётганида бирор ходимнинг ишидан норози бўлса, аноним ёки ўз шахсини ошкор этган ҳолда хабар бериш имкониятига эга бўлади. Бу, айнақса, таъмин-билишчилик ёки коррупция ҳолатлари кўзга ташланганда анча қўл келади.

Бугунги кунда 197 та ҳудудий ва туман (шаҳар) филиали, 29 та минибанк ва 3000 га яқин кассаларига эга АТ "Халқ банки"нинг асосий вазифаларидан бири мамлакатимизнинг кекса фуқароларини нафақалар билан ўз вақтида таъминлашдан иборат.

Кредит сўраб, банк ходими қўш-қовғига қараб ўтирадиган замоналар ўтган кўринади. Чўнки АТ "Халқ банки"да адоллатли қарорни компьютерлар чиқаради, миқозга кредит ажратиш мумкинми, йўқми, агар ажратилса, миқдори қанча бўлади, бу саволларга жавоб беради ва таҳлил қилади.

Бунинг учун маълумотлар "кредит конвейери" дастурига жойлаштирилса, киёф. Миқознинг паспорт маълумотлари ИИВдан, кредит тарихи ва мавжуд қарздорлиги кредит бюросидан, ойлик даромадлари тўғрисидаги реал маълумот Пенсия тизими базасидан, СТИР рақами электрон солиқ базасидан олинади. "Андеррайтер" ҳулосаси ва электрон имзоси ҳам айна шу конвейернинг ўзида шаклланади.

— "Андеррайтер" — бош банкда компьютер дастурлари ҳулосалари асосида якуний қарор чиқарувчи маъсўл ходим, — дейди АТ "Халқ банки" департаменти директори Саъдулла Азатов. — Барибир, инсон омилли ҳал қилувчи эҳанку, тизимда коррупция бўлаверадиде, деб ўйлаш мумкин. Андеррайтернинг "QR



code" орқали ишлайди. Уларнинг шахси филиал ходими учун номаълум бўлиб қолади. Бу эса бош банк андеррайтери ва филиал ходимининг ўзаро келишувига ҳамда тип бириктиришига имкон беради.

Конвейер тизимининг бошқа афзалликлари ҳам бор. Мисол учун, миқозни овера қилмасдан, ойлик иш ҳўқи тўғрисида маълумотни онлайн шакллантириш имконияти яратилди. Қўлаверса, "скоринг" таҳлили натижасида сохта ойлик иш ҳўқлари орқали кредит ажратилишига барҳам берилади.

Яна бир факт: авваллари филиал ходими кунига ўртача 5 миқозга хизмат кўрсатган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 15-20 ни ташкил этмоқда. Шунингдек, кредит конвейери орқали кредит бюртмаси бир босқичда, бор-йўғи 2-3 дақиқада қўриб чиқилмоқда. "Кредит конвейери" истеъмол кредити, микроқарз, кредит картаси, "Режали тўлов" картаси, автокредит кабиларни ўз ичига олади.

Маълумки, Президентимизнинг 2020 йил 12 майдаги "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ғи фармони билан ҳозир 6 та тижорат банки молиявий диагностика, истиқболли стратегияларни ишлаб чиқиш ва хусусийлаштириш масалалари бўйича халқаро молия институтлари билан ҳамкорлики бошланган. АТ "Халқ банки" хусусийлаштириш жараёнига ўтаётган банклардан бири ҳисобланади.

— Банк фаолиятини трансформация қилиш мақсадида 5 хорижий компания билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда, — дейди банк бошқарув раиси ўринбосари Дониёр Акрамов. — Шу билан бирга, ушбу жараёнга амалий ёрдам кўрсатиш учун хориждан 7 нафар малакали мутахассис жалб қилинди. Рақамли тизимни янада кучайтириш, банк амалиётларида инсон омилини камайтириш ва бу орқали шаффоқлики таъминлаш йўлида жадал иш олиб

бориляпти, хорижий компаниялар билан ҳамкорлик йўлга қўйилляпти. Бу жараёнда, энг аввало, банк стратегиясини ишлаб чиқиш зарур эди. Шу мақсадда халқаро "PricewaterhouseCoopers.Ltd" консалтинг компанияси билан ҳамкорликда "Халқ банки"нинг 5 йиллик ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилмоқда. Утган йилнинг май ойида Жиззах шаҳрида ишга туширилган бутунлай янги форматдаги "Call center" алоқа маркази трансформациялаш жараёнидаги энг муҳим ишларимиздан бири бўлди.

"Assesco" компанияси билан ҳамкорликда ташкил қилинган ушбу марказда дунёдаги етакчи банклар тажрибаси жорий қилинган. Шу ўринда, "Call center"нинг бошқа турдошларидан қандай устун томонлари бор, деган савол туғилиши мумкин. Албатта, бу ерда ҳам телефон орқали миқозлар мурожаатлари қабул қилинади. Лекин ҳар бир мурожаатни марказ мутахассиси ўзи ўрганиб, жавоб беради, банк ҳодимига улаб беради.

Зарур бўлса, филиал ёки республика ходимига кўнғироқ қилиб, масалага ойдинлик киритади. Кўнғироқ қилиб, улана олмаган миқозларга марказ операторлари қайта кўнғироқ қилади.

Ақсарият ҳолларда банк бинолари шаҳар марказларида жойлашган бўлса, Шаҳарларда эса, табиийки, аҳоли зич яшайди. Бу эса ташкилотда турнақор навбатларни ҳосил қилади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида айнан аҳоли гавжум жойларда "Банк хизматлари марказлари" ташкил этилишини алоҳида таъкидлаш ўринли.

— 2019 йилда "Банк хизматлари марказлари" сони 36 та, даромадлар кўрсаткичи эса 4,5 миллиард сўмга тенг бўлса, 2020 йилда улар сони 64 тага кўпайиб, жами 100 тага етказилди, — дейди Саъдулла Азатов. — 2020 йилда "24/7-кун тун" режимида ишлайдиган "Электрон офислар" сони 184 тага оширилиб, улар сони 308 тага етди. Бинобарин, ўз-ўзига

хизмат кўрсатувчи 12 та автоматлаштирилган тўловларни қабул қилмаш курилмаси ишга туширилди. Бу курилмалар орқали карта балансини тўлдириш ҳамда инкассация амалиёти жорий қилинди.

Мазкур марказларнинг афзалликлари сифатида аҳоли гавжум ва қулай жойда жойлашганлиги, универсал ходимларнинг миқозларга комплекс хизматлар кўрсатаётгани, бир миқозга хизмат кўрсатиш вақти 3 баробарга қисқаргани ва бунинг натижасида иш сифати, тезлиги ошганини эътироф этиш мумкин.

Бундан ташқари, янги банк хизмат турларининг ошиши ҳам эътиборга молик. Бугунги кунда юридик шахслар учун 6 та, жисмоний шахслар учун эса 24 та, жами 30 та янгидан-янги ва қулай банк хизматлари ташкил этилгани аҳоли ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланиши ҳамда ўзаро ишончинг ортишига хизмат қилмоқда. Миқозларга айланма маблағларни тўлдириш учун қисқа муддатда кредит ажратадиган "Роунд кредити" ёки тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва узоқ муддат давомида йирик лойиҳаларни молиялаштиришга кўмаклашувчи "Доиривий бизнес кредити" хизматлари шулар жумласидан. "Режали тўлов картаси", "Trade-in" автокредити, "Прогрессив депозит" каби хизматлар жисмоний шахсларнинг оғирини енгил қилмоқда.

АТ "Халқи банки" томонидан жисмоний шахслар учун "Oilway biznes" мобиль иловаси ишлаб чиқилди. У орқали оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир давлат дастурлари асосида "онлайн" тарзда ажратилган имтиёзли кредитларни олиш имконияти яратилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, биргина АТ "Халқ банки"да амалга оширилётган рақамлаштириш ва трансформация жараёнилари замирида мамлакатдаги банк ислохотларининг амалий жиҳатлари яққол намоён бўлади. Бундай янгилашулар натижасида АТ "Халқ банки" томонидан 2020 йилда жами 249 миң 400 дан ортиқ миқознинг 9 триллион 11 миллиард сўмлик лойиҳалари молиялаштирилиб, 86 миң нафардан ортиқ аҳолининг бандлиги таъминлангани ҳам бу борада салмокли қадамлар ташланганидан далалат беради.

АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИГА

“МОНИЙ СОНИЙ” АСАРЛАРИ АБАДИЙЛИККА ДАХЛДОР



Навоий асарларини ўқир экансиз, унинг санъат оламидаги чуқур билимига, юксак баъдий тасаввурига қойил қоласиз...

Хунар бобода устоди замона, Замона ичра наққош ягона.

Маълумки, Алишер Навоий ҳомийлигида забардаст уста Мирак Наққош, Камолитдин Бехзод, Шох Музаффар, Қосим Али сингари истеъдодли мусаввирлар фаолият олиб борган...

Навоий асарларида Моний деган ном кўп учрайди. Айниқса, “Жамса” тарихийга кирган достонларда сезиларли ўрин эгаллайди...

Вале Моний аниқдек нақибанди, Ки нақшин чарх анга нақшин паранди.

Қаю суратки Моний қилди тимсол, Анга Фарҳод очти чехра филхол.

“Сабъаи сайёр” достониде эса бош қаҳрамон — Моний. У ҳам моҳир мусаввир, тенгсиз наққош, гузалликнинг ҳассос шайдоси.

...Ва Монийи фалаки нақибози... ажаб дилрабо суратин кўрувзонни...

Қолди Бахрому нотавон жони: Илпада - сурат, олимпиада - Моний

Навоий бу образларни ғойибдан пайдо қилмайди. У ўзининг “Тарихи мулуки Ажам” асарида муҳим тарихий маълумотларни беради.

Ва яна “Баҳром бини Хурмуз отаси Хурмуз васияти била подшоҳ бўлди ва Моний наққошнинг миллатиким Зиндиқа (динсиз, худосиз) эрди, анинг замонида шойиъ (машхур) бўлди” деб ёзади:

МУНОСАБАТ

МАЪНАВИЯТ МИЛЛАТ РУҲИНИ КЎТАРАДИ



Тўлқин САЙДАЛИЕВ, филология фанлари номзоди, доцент

Сўз мулкнинг султонида ушбу машхур байтани мақоланинг эпиграфи сифатида келтирар эканмиз, халққа яхшилик ва ғамхўрлик қилиш ҳар бир инсоннинг олий бурчи эканлигини яна қайта ёдга олдик.

Муродхожа МУХТОРОВ, Павел Беньков номидаги Республика ихтисослаштирилган рассомлик мактаби услубчиси

Бу сўзни ўқиган оддий ўқувчи “Моний” ким, “Соний” ким экан дейиши, табиий. Лекин иккинчи Ренессанс гуллаб-яшнаган даврда яшаб, ижод қилган улў бобомиз ҳазрат Алишер Навоий асарларини ўқиб, улардан баҳраманд бўлган ўқувчилар сўз ким ҳақида эканлигини англаганларига ҳеч шубҳа йўқ.



Чу Баҳром даври замони эди, Замониде машхури Моний эди.

Асарнинг Шопур зул Актоф қисмида эса, “... Ва баъзи Моний мусаввирни бу Шопур замонида дебтурлар... Ва бу ҳамким, бир юмуртқача куррада олам суратин тортиб ва жамиъ ақолим ва билод ва жибор ва биҳорни машруъ ясаб, кентлар ва рудхоналаргача кўргузуб эрди...” Бу ерда ақолим — иқлимлар, китъалар, билод — мамлакатлар, жибор — тоғлар, биҳор — денгизлар, кентлар — шаҳарлар, рудхоналар — дарёю сойлар эканини инобатга олсак, Навоий юмуртқача курра деганда, ер курраси — туҳумсимон, юмалок ер шарини назарда тутган. Бу эса бизнинг замонамиздаги глобусни кўзда тутатгани ойдинлашади (С.Олим, навоийшунсо).

Юқоридаги мисоллардан шуни англадикки, Моний — тарихий шахс. У (Ироқнинг кўҳна шаҳарларидан) Бобил, яъни Вавилонда туғилган, милодий 217-273 йилларда яшаган) ўз даврининг уч подшоҳи — Шопур, Хурмуз ва Баҳром-шоҳ замонасида яшаб, ижод қилган моҳир мусаввир ва тенгсиз наққош бўлган экан. Навоий ўз асарларидаги қаҳрамонларини тарихий илдизларига суянаган ҳолда тасвирлайди:

Саъи ила бу гунбади бисёр нақш, Ҳар нечаким айлабон изҳор нақш.

Навоий бу борада Шарқ мусаввирлик анъаналари тарихининг ўрм бўлиб қолган эканлигини нафақат ўзи яратган образлар мисолида, балки ҳаётий фаолиятида ҳам кўллайди. Маълумки, Навоийнинг ўша давр мусаввирлари ижод намуналари билан беллаша оладиган “Занжирбанд шер” деб номланган асари бизгача етиб келган. Бу асар балки ўша давр нафасидан, шoirнинг руҳий ҳолатидан ёки унинг умри охирига қадар занжирланган шер каби яшаганлигидан дарак беради. Навоий асарларига Бехзод ва ўша даврнинг тасвирий

санъатида мукамалликка интилган моҳир мусаввирлари томонидан яратилган миниатюра асарлари жаҳон муомтоз санъатининг олтин хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Камолитдин Бехзод асарларининг абадийликка дахлдорлиги унинг Ҳазрат Навоий асарларига мазмун-моҳиятини тўла англаганлиги, ўша даврда ўрғ бўлган диний ва дунёвий билимларни ўрганганлиги ва устозлар дуосини олганлигида, деб биламиз.

Хуллас, Навоий асарларини ўқиб, улардан баҳра олган ўқувчилар маънавий бой, дунёвий билимлари кенг ва шу билимлар тарихига оид қизиқарли маълумотларга ҳам эга бўлади. Юртимизда глобал ўзгаришлар жараёни кечмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бошланиб, халқимиз томонидан маъқулланаётган ислохотлар, айниқса, илм-фан, маърифат ва маънавият, санъат ва баъдий маданият соҳасига қаратилган юксак эътибор, бу соҳани ижтимоий ва молиявий қўллаб-қувватлашлар соҳа кишилари каби халқимизни ҳам беҳад қувонтирмоқда. Ўзбекистон Баъдий академияси салкам чорак асрлик фаолияти давомида тасвирий ва амалий санъат ривожига улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларида баъдий таълим соҳаси учун янгида янги ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилмоқда. Бу албатта, ёшлар ижоди янада раванқ топишига ва бу санъат соҳасида Моний, Бехзод каби машхур мусаввирларнинг янги авлоди етишиб чиқишига пухта замин бўлиб хизмат қилади. Халқимиз ҳаётидаги бу буюк ўзгаришларни агар Навоий бобомиз кўрганида эди, дуолар қилган ва ушбу хайрли амалларга бағишлаб достону газаллар, мадҳиялар битган бўлар эди.

Янги Ўзбекистон ўқувчи-ёшлари ажодлар маънавий меросидан самарали фойдаланиб, илм-фан ютуқларини чуқур ўрганса, касб-корлари ижодий ёндашиб, инновацион янгиликлар яратсалар айни муқаддас бўлур эди. Зеро, давлатимиз раҳбари айтганидек, эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқбол, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқдир.

АЖДОДЛАР ИБРАТИ

Соҳибқирон Амир Темур — буюк саркарда, давлат арбоби, ижод аҳлига ҳурмат баланд шахс. У шерда жуда катта ижтимоий, фалсафий, ахлоқий маъно, нафосатни кўрган, сезган ва ундан бутун умри давомида фойдаланган, унинг завқи билан яшаган.

АДАБИЁТДАН ОЛИНГАН КУЧ фақат эзгу амалларга хизмат қилган

Соҳиба ОЧИЛОВА, Жамшид АБДУРАҲМОНОВ, Шаҳрисабз давлат музей-қўриқхонаси ходимлари

Сўз мулкнинг султони Алишер Навоий ўзининг “Маҷолис-ун нафоис” таъкирасида ёзишча, Соҳибқирон ҳаётида адабиёт жуда катта аҳамият касб этган. Гарчи ўзи шер ёзмаса-да, мавжуд шерий ва насрий асарлардан шунчалик кўп ёд олган ва уларни ўз вақтида, ўз ўрнида жуда чиройли қилиб ўқир эканки, ҳамма қойил қолар экан.

Яъни Алишер Навоий айтади: “Мулук шаҳарларининг бўстони ва салотин гавҳарларининг уммони, ҳоқони, жаҳонгери Соҳибқирон, яъни Амир Ғурагон гарчи назм айтмоққа ултифот қилмайдирлар, аммо назм ва насри андоқ хўп маҳал ва мавқеда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқуғони минг яхши байт айтқонча бор”. Соҳибқирон ҳаётининг энг қийин давларида ҳам шерият унга мурақаб масалалар ечимида ёрдам берган.

Тарихдан маълумки, Амир Темур ўзига тобе Эрон, Озарбайжон, Гуржистон ва унга туташ бир қанча мамлакатларни бошқаришни ўғли Мироншоҳ Мирзога топширган. Аммо Мироншоҳ бироз вақт маишатга, майхўрликка берилиб кетди. Уғлининг ноҳўя ишлари тўғрисида Амир Темурга хабар келди. Бундан қаттиқ ранжиган Соҳибқирон, аввало, ўғлини ёмон ишларга бошлаган кишиларни жазоламоқчи бўлади. Қутб Нойи ҳамда Мавлоно Коҳий деганларни тутиб, дарҳол қатл эттиради. Лекин Хожа Абдулқодир қочиб кетди. У ўз даврининг катта олими ва санъаткори бўлган.

Орадан бир қанча вақт ўтгандан сўнг уни ҳам тутиб, Амир Темурнинг олдида олиб келишди. Ушанда Хожа Абдулқодир чиройли ва баланд овоздаги Қуръон тиловати билан Соҳибқироннинг газабини юмшатишга муваффақ бўлган. Бу воқеани Алишер Навоий ўзининг “Маҷолис-ун нафоис” таъкирасида баён қилган. Дарҳақиқат, бундан кўриниб турибдики, Алишер Навоий улў Амир Темурнинг кези келганда, қаҳрли, жойи келганда эса раҳмдил бўла олишини гоът самимий ва ишончли тасвирлаб берган. Айниқса, Навоийнинг Темур оғзидан чиққан шерий мисра ҳақидаги фикри ҳам эътиборлидир: “Идрок ва фаҳм аҳли билурларким, йиллар, балки қарнларда мундоқ латиф сўз воқеъ бўлмас”. Бу орқали Навоий Амир Темур табиатида шoirлик истеъдоди борлигини баён қилган. Соҳибқиронга мансуб бу мисра кейинчалик шуҳрат топиб, бошқа бир қанча шoirлар ундан илҳомланган, янги шерлар ёзган.

Саркардининг ижод аҳлига ҳурмати жуда баланд бўлганини 1397-1398 йилларда Туркистон шаҳрида тасаввуф шайхи ва буюк шoir Аҳмад Яссавий (1166 йил вафот этган) қабри устига мақбара қурдирганида ҳам кўришишимиз мумкин. Ушбу бино Марказий Осиёдаги энг улў меъморий ёдгорликлардан бири саналган. Бундай ёдгорликнинг барпо этилиши Соҳибқироннинг шoir шериятига ҳурмати ва мухаббати тимсолидир.

Соҳибқироннинг яна бир аjoyиб хислати бўлгани, у азиз-авлиёларнинг мазорларини, муқаддас қадамжоларни тез-тез зиёрат қилиб турган. Ҳатто ҳарбий юришларин пайтида ҳам бу одатга қаттиқ риоя қилган, шу билан бирга, бундай қадамжоларга зиён-заҳмат етишига йўл қўймаган. Масалан, Амир Темур ўз ҳарбий қўшинларига Мухаммад соллаллоҳу алайҳи вассаламнинг саҳобаларидан бири, мусулмонларнинг йирик ҳарбий қўмондони Холид ибн Валиднинг қабри жойлашган Хўмс шаҳ-



рига заҳмат етказмаслики буюрган. Саркардининг азиз авлиёларга, диний исломнинг ҳомийларига, уларнинг мазорларига муносабати “Темур тузуклари”да батафсил баён қилинган: “Мен шундай талаб қўйдимки, пайғамбарнинг авлодлари, уламолар, машойих, фузалар, акобир ва ашрофларни азиз тутсинлар...” Ҳам уламою фузалоларга ҳурмат-эътибор билан қараган, улар билан турли мавзуларда мунозаралар олиб борган Амир Темур машхур араб тарихчиси ва мутафаккири Ибн Халдуно Қуръони каримнинг гўзал бир нусхасини ҳада қилганда, шошилинч ўридан туриб, муқаддас китобни ўпиб, бошига қўйган.

Шуниси диққатга сазоворки, бошқа давлатлар, айниқса, мусулмон давлатлари бошлиқларига йўллаган мактубларида саркарда кўпроқ Қуръон оятларидан фойдаланган. Амир Темурнинг фақир мискинлар аҳволи ҳақида қайғуриши унинг ниҳоятда буюк инсонийлик фазилатларидан биридир. Езма манбаларда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, Мовароуннаҳр ва Хуросондан Макка Муқаррамага Ҳаж ибодатини адо этишга бораётган зиёратчилар азалдан Ироқ ҳудудидан утадиган жойларда йўлтўсар ва қароқчиларнинг ҳужумларидан кўп азият чекканлар. Улар нажот излаб, Соҳибқиронга мурожаат қилган. Амир Темур бу борада тезкор ишларни амалга ошириб, қароқчи ва йўлтўсарларни бартараф қилган. Бу ҳам унинг элпарвар, саховатпеша инсон эканлигидан далолатдир.

Шунингдек, Амир Темур маънавият соҳасида ҳам ўз авлодларига намуна бўлган. Шохрўх, Улўғбек, Абулқосим Бобур, Абу Саид ва бошқалар ўзларини унинг шоғирди ҳисоблаган. Масалан, Хусайн Бойқоро қилчобозликда катта маҳоратга эга бўлган. Бу ҳақда Заҳриддин Мухаммад Бобур “Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, Султон Хусайн мирзоча қилчобоз бўлган” деганди.

Амир Темур ўз авлодларига фақат катта салтанатни эмас, балки яхши анъаналарни ҳам мерос қилиб берган. Шунингдек, ундан мамлакатни адолат билан бошқаришдек гоът машаққатли вазифа ҳам ибрат бўлиб қолган.

Беришда қандайдир чўчиш мавжуд бўлган. Адибнинг уй-музейи ғариб аҳволда, адабиётимизнинг шоҳ асарлари — “Уткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романларининг муаллифига муносиб равишда муносабатда бўла олмаётган эдик.

Фақат 2016 йил охирида вазият тубдан ўзгарди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз чиқишларида, маърузаларида Абдулла Қодирий ижодидан бот-бот иқтибослар келтириб, асарлари ҳақида беҳиёс фикрлар билдириб, ёшлар тарбиясида, албатта, муаллифнинг ўғилларидан фойдаланишни тавсия эта бошлади. Адибнинг хотирасини абадийлаштиришга қаратилган фармойишлар ўзбек халқининг асрий эрсузини ушалтирди. Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Тошкентнинг кўҳна қисмида адиб номи билан аталадиган боғ, у кишининг ҳайкали барпо этилди ва энг асосийси, ёзувчининг ижод мактаби очилди. Бир вақтлар Абдулла Қодирий фойдаланган “Турон” кутубхонасининг қайта тикланиши шаҳарнинг “Эски шаҳар” аҳолисини жуда рўзхантириб юборди. Қўйинки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Абдулла Қодирий ҳам шахс сифатида, ҳам ижодкор сифатида тўлиқ оқланиб, ўзбек халқига борича қайтарилди. Шу ўринда Президентимиз қилган савобли ва хайрли ишлар улў бобокалонимиз Алишер Навоийнинг қўйидаги мисраларига ҳамоҳандир:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлағай, Онча борки, Каба ваирон бўлса обод айлағай.

Бу ишлар адиб қариндош-уруғларининг қалбларига ҳам маълум бўлди, уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлади. Очигини айтганда, адибнинг нафақат яқинлари, балки бутун ўзбек халқининг руҳини кўтариб юборди. Одамлар Абдулла Қодирийни қанчалар қаттиқ яхши қўришига яна бир маротаба гувоҳ бўлдик. Ҳаттоки, улар халқпарвар ёзувчини халқпарвар Президент қўллаб-қувватлайди-да, дейишди. Менимча, бу ибратли ишлари билан давлатимиз раҳбари миллатимиз маънавиятини ҳам поклади, ҳам улўғлади.

Исҳоқхон Ибрат, Мунавварқори Абдурашидхон, Маҳмудхўжа Бехбудий ва бошқа жадид-маърифатпарвар намояналар ҳам жамиятимизда муносиб ва ҳақли ўринларини топомқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, илм-фанни, таълим соҳасини, адабиётни, санъатни, маданиятни, спортни, маърифий-маънавий фаолиятни ривожлантирмай туриб, янги Ўзбекистонни қуриб бўлмайди. Ҳа, маънавий пойдевор халқимизнинг ўзиги, юксак руҳиятини белгилловчи муҳим асосларни мужассам этсагина барчамиз Уйғонши даври Қўёшини кўришига муваффақ бўламиз.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ "Янги Ўзбекистон" газетаси учун масъул: бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 209. 10887 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоиси келишилган нарҳда. "Kolorpak" МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова Мусаҳҳиж: Мафтуна Минғобоева Дизайнер: Хуршид Абдуллаев Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй ЎА яқини — 21:45 Топшириди — 00:05